# Ш А Р Т Н О М А № 4415

Улугнор тумани «12» сентябр 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Етказиб берувчи” деб юритилувчи **“AVTORITET 0099” МЧЖ** номидан раҳбар **Д.Фазлиддинов** бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Ҳаридор” деб юритилувчи **Улуғнор туман Ободонлаштириш бошкармаси** номидан раҳбар **А.Умурзаков** иккинчи томондан мазкур шартномани **22110012143050** лот бўйича 2022 йил 5 сентябр куни ўтказилган таънлов натижасида аниқланган **143050 сонли баённомага** асосан қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1 «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Ҳаридор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги

| Т/№ | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мотороллер (муравей) 3 ғилдиракли юк ташувчи бортли, юк кўтариш куввати 500 кг, Электро мобил | Дона | 2 | 17 200 000 | 34 400 000 |
| | **Жами** | | | | **34 400 000** |

жадвалда кўрсатилган маҳсулотларни етказиб бериш, «Ҳаридор» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, пул ўтказиш йўли орқали хисоб-китоб қилиш мажбуриятини олади.

## 2. Шартнома қиймати ва хисоб-китоб тартиби

2.1.Мазкур шартноманинг баҳоси **34 400 000 (Ўттиз тўрт миллион тўрт юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Хисоб-китоб «Ҳаридор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. «Ҳаридор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% ни олдиндан аванс тариқасида «Етказиб берувчи» нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70% ни «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг хисоб-варақ фактуралари асосида ўтказиб беради.

2.5. «Ҳаридор» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Етказиб берувчи» 5 кун давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нарҳларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни «Ҳаридор» га етказиб беради.

2.6. Маҳсулотларни етказиб бериш харажати «Етказиб берувчи» хисобидан қопланади.

## 3. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Ҳаридор»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага асосан тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи”дан талаб килиш;

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. “Етказиб берувчи” қуйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил хисоб қилинишини “Ҳаридор”дан талаб қилиш.

## 4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги-Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўз.Рес.29.08.1998 й №670-I-сон Қонунида, ўзга қонун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар конун ҳужжатларида ёки шартномада бошка тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномани бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун Ўз.Рес.29.08.1998 й №670-I-сон Қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади
4.2. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик- Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
4.3. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти қонун ҳужжатларида ёки шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, харидор товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.
4.4. Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик-Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда харидор:

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи харидорнинг талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, харидор бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.
4.5. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик-Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун харидор етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.
4.6. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик- товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун харидор маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун харидор етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 5. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

## 6. Форс — мажор

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари»,

агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.
6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

**7. Бошқа шартлар**

7.1. Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.
7.2. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухрлари бўлган тақдирда хисобга олинади.
7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи» да, иккинчи нусхаси «Ҳаридор»да сақланади ва иккала нусхаси хам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

**8. Шартнома муддати**

8.1. Шартнома "Ҳаридор" ва "Етказиб берувчи" томонидан имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил "31" декабрга қадар амал қилади.

**9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари**

«Етказиб берувчи»

Номи: **"AVTORITET 0099" МЧЖ**
Манзил: **Улуғнор туман Бобур МФЙ Фурқат кўча 2 уй**
ИНН: **308589494** ОКОНХ: _________
х/р: **20208000305404466001**
Банк: **Агро банк Улуғнор филиали**
МФО: **00055**

Раҳбар: __________ Д.Фазлиддинов

«Ҳаридор»

Номи: **Ободонлаштириш бошкармаси**
Манзил: **Улугнор туман Шахриобод МФЙ**
Ш.х.в: **100022860032177065200110008**
ИНН: **200273842** ОКОНХ: **90211**
Ўзб. Респ. Молия ваз. Ғазначилиги
Ғазна х/р: 23402000300100001010
Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент ш.
МФО: 00014 ИНН:201122919

Раҳбар: __________ А.Умурзаков

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: UN3323338274

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
ANDIJON VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
ULUG'NOR TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170400, Ulug'nor tuman, Mustaqillik ko'chasi 1-uy.
Тел.: (998 74) 761 10 23

**Ulug'nor tuman obodonlashtirish boshqarmasiga**

**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida huquqiy xulosa № KE3034124415**

**12.09.2022 yil** **Ulug'nor tumani**

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Maxsulot yetkazib berish shartnomasi.

"AVTORITET 0099" MCHJ rahbari D.Fazliddinov "Yetkazib beruvchi" va "Ulug'nor tuman Obodonlashtirish boshqarmasi" rahbari A.Umurzaqov "Xaridor" o'rtasida tuzilgan maxsulot yetkazib berish shartnomasi.

3.Maxsulot yetkazib berish shartnomasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish va ijroga qaratish maqsadga muvofiq.

**Ulug'nor tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:** **M.SH.Tojiboyev**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 143050 на приобретение Мотороллер

Способ проведения электронный

Дата 05.09.2022

Время рассмотрения 05.09.2022 20:49

Конкурсная комиссия Улугнор тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | UMURZAKOV AZAM ANVAROVICH | Бошлик | Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | KURCHIYEV ILXOMJON BAXTIYOROVICH | Хисобчи | Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | MAMADJONOV SHAVKATBEK MAXMUDOVICH | Техника хфвсизлиги буйича мутахассис | Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | TADJIBOYEV ISKANDAR TULKINOVICH | Иктисодчи | Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | XOJIMURODOV DILSHODBEK ISOQJONOVICH | Бош хисобчи | Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | NOSIROV SOYIBJON ZOKIROVICH | Бош мухандис | Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 05.09.2022 года № лота 143050.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 20.00 / Весовой коэф. ценовой части: 80.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Мотороллер** |
|---|---|
| Подробное описание | Мотороллер (муравей) 3 ғилдиракли юк ташувчи бортли, юк кўтариш қуввати 500 кг, 12 ват 20 амперли 4 дона акумляторли Электро мобил. |
| Количество товара | 2.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 250 000.00 |
| Стартовая сумма | 34 500 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Таклиф этилаётган Мотороллер (мураве) техник параметрлари тугрисида маълумот киритиш хамда фото куринишларини такдим этиш

Тип: Бинарное значение

Описание: Таклиф этилаётган Мотороллер (мураве) техник параметрлари тугрисида маълумот киритиш хамда фото куринишларини такдим этиш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ RADIUS 9700 | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| OOO AVTORITET 0099 | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Молиявий холати буйича маълумотнома такдим этиш ДСК топширган хисоботлар асосида

Тип: Бинарное значение

Описание: Молиявий холати буйича маълумотнома такдим этиш ДСК топширган хисоботлар асосида

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ RADIUS 9700 | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| OOO AVTORITET 0099 | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Туман махаллий ишлаб чикарувчилар имтиёзга эга: таклиф учун хужжутлар таънолвда иштирок этувчининг гувохнома нусхаси, рахбар паспор нусхаси хамда СТИР тактид тиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Туман махаллий ишлаб чикарувчилар имтиёзга эга: таклиф учун хужжутлар таънолвда иштирок этувчининг гувохнома нусхаси, рахбар паспор нусхаси хамда СТИР такдим этиш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ RADIUS 9700 | 10 | 17220000 | 5 | Экспертная | | |
| OOO AVTORITET 0099 | 10 | 17200000 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Махсулотни етказиб бериш буйича маълумот саналар буйича график

Тип: Бинарное значение

Описание: Махсулотни етказиб бериш буйича маълумот саналар буйича график

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ RADIUS 9700 | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| OOO AVTORITET 0099 | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ RADIUS 9700** | 34 500 000.00 | 34 440 000.00 UZS | 34 440 000.00 | 00.00 | 34 440 000.00 | 05.09.2022 13:34:29 | 79.91 |
| **OOO AVTORITET 0099** | 34 500 000.00 | 34 400 000.00 UZS | 34 400 000.00 | 00.00 | 34 400 000.00 | 05.09.2022 13:41:27 | 80.00 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **MCHJ RADIUS 9700** | 17.5 | 79.91 | 97.41 |
| **OOO AVTORITET 0099** | 20 | 80 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 143050 от 05.09.2022 года на приобретение Мотороллер определила победителем:

OOO AVTORITET 0099
308589494

и резервный исполнитель: MCHJ RADIUS 9700 (308903278)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | UMURZAKOV AZAM ANVAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMADJONOV SHAVKATBEK MAXMUDOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TADJIBOYEV ISKANDAR TULKINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOJIMURODOV DILSHODBEK ISOQJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NOSIROV SOYIBJON ZOKIROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП